

## ЁШЛАРНИ ОИЛАГА ТАЙЁРЛАШДА ОИЛАДА ЭР ВА ХОТИННИНГ АЙРИМ МАЖБУРИЯТ ВА БУРЧЛАРИНИ ҚОНУНИЙ ЖИҲАТДАН ТУШУНТИРИШ

**Шокиржон Олимович Арипов**

Фарғона давлат университети педагогика кафедраси ўқитувчиси

Ушбу мақолада ёшларни оиллага доир тасавурларини шакллантиришда эр ва хотинларнинг айрим қонун олдидаги бурч ва маъсулиятлари назарда тутилган.

**Калит сўзлар:** ёшлар, оилавий муносабатлар, ота-она, оила-никоҳ, оила, Эр ва хотин муносабатлари, хотин-қизлар, оиллага тайёрлаш, тарбия.

### ABSTRACT

This article provides for the duties and responsibilities of some spouses before the law in the formation of family ties of young people.

**Keywords:** Youth, Family Relations, parents, family-marriage, family, husband and wife relations, women's, preparation for the family, upbringing.

### КИРИШ

“Юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон миллати, тили ва динидан қатъи назар, эркин, тинч ва бадавлат умр кечириши, бугун ҳаётдан рози бўлиб яшаши – бизнинг бош мақсадимиздир”, - деган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев[2].

Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасавурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар-яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир. Шунинг учун ҳам айнан оила мухитида пайдо бўладиган ота-онага ҳурмат, уларнинг олдидаги умрбод қарздорлик бурчини чуқур

англаш ҳар қайси инсонга хос бўлган одамийлик фазилатлари ва оилавий муносабатларнинг негизини оиланинг маънавий оламини ташкил этади.

Ҳаёт гўзаллиги инсон жисми ва руҳида барқ уради. Бу инсон жисмида бўлган қарашларнинг таъсир кучи билан боғлиқ. Икки ёш турмуш қургач, ундан фарзанд туғиладики, ота-оналик меҳр-муҳаббати камол топа бошлайди. Буни ўзига хос қалб кучи талаб қилади. Шу сабабли у ҳимоя этилади, унга меҳрибонлик қилинади ва натижада навбатдаги иштиёқ фарзанд ўстириш, тарбиялаш каби муҳим ҳаётий ишлар амалга оширилади.

Ўз-ўзидан равшанки, юқорида зикр этилганидек, бола тарбиясида соғлом насл масаласи ҳам муҳим роль ўйнашини инкор этиб бўлмайди. Ёш авлодни тарбиялашга интилиш жамият тараққиёти учун ҳам хизмат қилади. Чунки инсон энди жамият билан мулоқотда бўлади ва ундан ўз меҳнати асосида бойлик ортириб, болалари турмуши учун шароит яратишга интилади. Инсондаги бу иштиёқлар ва интилишлар бир маънода авлодлар бардавомлигини таъминласа, умумий маънода жамият тараққиётига ҳисса қўшади. Ақли расо ҳар қайси инсон яхши англайдики, бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди. Шу боис мамлакатимиз Ҳукумати ва бевосита Президентимиз раҳнамоликлари остида мустақиллик даврида оила институтини жамиятнинг бошқа муҳим ижтимоий тузилмалари, юртимиздаги маънавий ўзгаришлар билан уйғун тарзда ривожлантириш, унинг нуфузини ошириш масаласига давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши сифатида доимий эътибор бериб келинмоқда.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 2 февралдаги ПФ–5325-сон Фармони ҳамда Фармон билан тасдиқланган “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора тадбирлар дастури ҳам хотин-қизларимиз ва оилага бўлган катта эътиборни яққол бир мисолидир. Мазкур Фармонда “... ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, замонавий намунали оилани

шакллантириш, унинг маънавий-ахлоқий негизлари ва анъанавий оилавий қадриятларини мустаҳкамлаш бўйича мақсадли ишлар олиб борилмаяпти, эрта никоҳларнинг, оилалардаги низоли ҳолатлар ва ажрашишларнинг олдини олиш бўйича чораларнинг самарадорлиги паст даражада қолаётганлиги” кўрсатиб ўтилган эди[1].

А. Шожалилов тадқиқотларида ҳам оила ва оила-никоҳ муносабатлари ўрганилган. Баъзи бир ёшлар оила қуриб ота-оналик функциясини етарли даражада бажара олмасликлари, бу ҳолат эса ёш оилаларда бир қатор қийинчиликлар ва муаммоларга сабаб бўлаётганлиги кўрсатиб ўтилган. Шунга биноан, тадқиқотда ёшларни оилавий турмушга тайёрлаш ишларини кучайтириш, уларнинг шу соҳага оид вазифа ва бурчларини бажариши мураккаб ҳамда кўп қиррали жараён эканлиги таъкидланиб, оила қурган ёшлар турмуш тарзини кузатиб бориш асосида ундаги ихтилофларнинг олдини олиш ва бартараф этиш учун психопрофлактик чора-тадбирларни кенг қўллаш зарурлиги таъкидланган.

Афсус билан айтиш керакки, бугунги айрим ёшлар оила қуришга тайёрланмасдан, шошма-шошарлик, орзу-ҳавас билан юзаки муносабатда турмуш қуриши оқибатида оилавий низолар келиб чиқмоқда. Оилавий ажримлар юз бермоқда.

Мутахассис олимлар оилавий ажралишларнинг қуйидаги сабабларини аниқлаганлар: 1. Эр ва хотиндан бири спиртли ичимлик ичиши. 2. Эр ва хотиндан бирининг бевафолиги. 3. Енгилтаклик билан никоҳдан ўтганлиги. 4. Хотиннинг уй-рўзғор тута билмаслиги. 5. Ота-оналарнинг кўп аралашishi туфайли жанжал келиб чиқиши оқибатида. 6. Фарзандсизлик сабабли. 7. Мунтазам иқтисодий етишмовчиликлар туфайли.

Бундан ташқари оила қуришдан олдин ёшлар оилага доир қонунлар билан танишишлари ва оиланинг бурч ва масулиятини чуқурроқ англаб олишлари ҳам мақсадга мувофиқ булар эди.

Никоҳ ва оила тўғрисидаги меъёрий ҳужжатларда никоҳланишга монелик қиладиган қуйидаги ҳолатлар кўрсатилган: 1. Эр ва хотиндан бирининг бошқа никоҳда бўлса. 2. Улар яқин қариндош бўлса. 3. Ёшлари етмаса. 4. Рухий касал бўлса. Шунинг учун ҳам бугун оилавий ажралишларнинг олдини олиш учун тиббий кўрикдан ўтиш мажбурий қилиб қўйилган, эр-хотин ўртасида шартнома имзоланмоқда.

Оилавий низолар ва муаммолар келиб чиқмаслиги учун қонунларда эр ва хотиннинг шахсий ҳуқуқлари белгилаб қўйилган: 1. Никоҳланиш пайтида фамилия танлаш ҳуқуқи. 2. Эр ва хотиннинг машғулоти, касби ва турар жой танлаш ҳуқуқи.

Инсон оила қурар экан, фақат биологик мавжудот шаклида эмас, балки ижтимоий мавжудот сифатида насли, авлодининг умрбоқийлигини таъминлаш учун уйланади. Шунинг учун ҳар бир оиланинг функциялари мавжуд: 1. Аҳолини тўлдириб бориш. Фарзанд кўриш. 2. Моддий хўжалик функцияси. 3. Ёш авлодни тарбиялаш, яъни фарзандига одоб-ахлоқ ўргатиш, билим бериш.

Афсуски, бугунги кунда ёшлардаги оила қуришга юзаки, лоқайдлик билан қараш унга фақат биологик ҳодиса деб муносабатда бўлиниши ажралишлар сонининг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Бунинг олдини олиш учун эса маҳаллаларда, жойларда, олий ўқув юртларида “Оилага тайёрлаш марказлари” фаолиятини йўлга қўйиш зарур. Оила қураётган қиз-йигитни энг камида бир ой ўқитишни ташкил қилиш мумкин. Шундагина оилавий низоларни, ажримларни олдини олишга, етим болаларнинг камайишига ҳисса қўшилган бўлинади. Биз устозлар ёшларга таълим-тарбия бериш билан бир қаторда, ёшларни айниқса битирувчи курсдаги талабаларга келажак авлод учун миллий кадриятларимиз ўчоғи бўлмиш миллий, муслимий оиланинг ўтмиш тарзини, маънавият тили каби бебаҳо, асрий неъматларини кадрлаш, асраш лозимлигини англатиш зарурлигини миллий бурчимиз деб билмоғимиз керак.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Ёшларга оилада эр ва хотиннинг айрим мажбурият ва бурчларини, оиладаги улар қатъий эътибор беришлари лозим бўлган қонуниятларни, ҳаётини фаолиятдан келиб чиқиб ўргатиб боришимиз, бугунги кун, хусусан ўқувчилик ва талабалик даврларининг кадрига етишни, малакали билим ва ҳунарга эга бўлиш кераклиги, бугун машаққат билан олган билимлари келгусида шахсан ўзи учун қолаверса оилавий фаолиятларида ас қотишлигини қайта-қайта ўқитишимиз лозим. Бугунги кунда миллатимизга ёд бўлган мамлакатимизда учраб турган, ёшлар тарбиясидаги айрим муаммолар ва уларнинг сабабларига тўхталиб ўтсак, таълим, миллат

тарбияси ҳамма вақт ҳам энг долзарб масала бўлиб, бу масалага ҳамиша ёши катталар, нурунийлар масъул ва жавобгар ҳисобланганлар.

Бизга маълумки тўй бўлиб, никоҳ ўқилиши билан келин-куёв бир оилада яшашни бошлайдилар. Икки кишидан ташкил топган янги кичик бир жамият юзага келади. Бу жамиятдаги кишиларнинг алоқалари энг муқаддас инсоний алоқа эканини аввал ҳам айтиб ўтган эдик. Инсон қай ҳолатда яшамасин, ўзгалар билан муомала қилиши, алоқада бўлиши турган гап. Хўш, катта инсоний жамиятнинг хужайраси ҳисобланган, бу оиладаги эру хотиннинг ўзаро муносабатлари қандоқ бўлмоғи керак? Икковларининг оилавий ҳуқуқлари қандоқ? Бир-бирларига муносабатлари қай тарзда бўлиши керак? Шуларни ҳисобга олган ҳолда Ислом шариатида ушбу ва шунга ўхшаш саволларнинг барчасига жавоб берилган. Агар эр билан хотиннинг орасида дўстлик муҳаббат бўлмаса, бирининг қилгани иккинчисига ёқмаса, бири топган нарсани иккинчиси бебарака қилса, булар дунёда роҳат, тинчлик кўрмай умрларини зое кетказадилар. Шариат ва одатда эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари атрофлича ишлаб чиқилган. Эрнинг оиладаги ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат. Эр оила бошлиғи ҳисобланган, бинобарин, оила таъминоти учун зарур бўлган моддий неъматларни ишлаб топиши лозим бўлган. Хотин эса оилада асосан уй-рўзғор ишлари ва болалар тарбияси билан шуғулланган. Шунинг учун оиланинг бошқа аъзолари-хотиндан бошлаб, болаларгача оила бошлиғига бўйсиниб, ўз мажбуриятларини бажариб келганлар. Шунда рўзғорда барака бўлиб, тинч-тотув яшаганлар.

Аллоҳ таоло: “Эркаклар Аллоҳ баъзиларини баъзиларидан фазлли қилгани ва ўз молларидан инфоқ қилганлари учун аёлларга қаввом(бошлиқ)дирлар”, деган. Ушбу ояти карима ҳукми ила Исломда эркак киши оила бошлиғи этиб тайинланган. Бу бошлиқлик масъулиятдан иборатдир. Бошлиқ деганда оилада ўзи хоҳлаган нарсани қилиб, ҳаммани ўз хоҳишига бўйсундириш эмас, балки оиланинг масъулиятини шариат кўрсатган амрлар бўйича олиб боришни зиммасига олиш тушунилади.

Исломда аёллар ҳуқуқлари оилада эркак бошлиқ қилиб белгиланган бўлса ҳам, оилада аёл кишига тамоман бошқа вазифалар юклатилиши кўзда тутилгани учун у оналик, бола тарбияси ва уй-рўзғор ишларига жавобгарлик масъулиятини ўз зиммасига олиши кўзда тутилган. Ҳатто қизларни оилада

эъозланиши кераклиги хақида қуйидаги ҳадисни кўришимиз мумкин: пайғамбар (с.а.в.) шундай деганлар: «Фарзандларингиз ўртасида бирор нарсани тақсимлаётган бўлсангиз адолат билан тақсимланглар, агар улардан бирортасини устун қўйиш мумкин бўлганда қизларни устун қўйган бўлардим»[3].

Ҳар бир оила қураётган фуқаро Оила кодексига курсатилган оиланинг принципларига тўла амал қилиши шарт: 1. Якка никоҳлик принципи-ҳар бир фуқаро бир никоҳда бўлиши шарт. 2. Никоҳнинг ихтиёрийлиги-ўзаро розилиги принципи. 3. Ажралишнинг эркинлиги принципи. 4. Оилада эр ва хотиннинг тенг ҳуқуқлилиги принципи. 5. Болаларини баркамол, комил инсон қилиб тарбиялаш принципи. 6. Оила аъзоларининг бир-бирига ўзаро ёрдами, моддий ва маънавий томондан таъминлаш принципи. 7. Оиланинг давлат томонидан ҳимояга олиниши, оналикнинг рағбатлантирилиши, никоҳ ва оиланинг асосий принциплардан ҳисобланади. Афсус билан айтиш керакки, бугунги айрим ёшлар оила қуришга тайёрланмасдан, шошма-шошарлик, орзу-ҳавас билан юзаки муносабатда турмуш қуриши оқибатида оилавий низолар келиб чиқмоқда.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, ёш оилалардаги низоларнинг ва ажримларнинг олдини олиш учун юқорида тилга олинган вазифалар амалга оширилса бу салбий ҳолатлар нисбатан камайиши мумкин. Афсуски, бугунги кунда ёшлардаги оила қуришга юзаки, лоқайдлик билан қараш унга фақат биологик ҳодиса деб муносабатда бўлиниши ажралишлар сонининг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Бунинг олдини олиш учун эса маҳаллаларда, жойларда, олий ўқув юртларида “Оилага тайёрлаш марказлари” фаолиятини йўлга қўйиш зарур. Оила қураётган қиз-йигитни энг камида бир ой ўқитишни ташкил қилиш мумкин. Шундагина оилавий низоларни, ажримларни олдини олишга, етим болаларнинг камайишига ҳисса қўшилган бўлинади.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни

тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 2 февралдаги ПФ–5325-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июнда “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-3808-сон қарори.

3. Имом Бухорий. «ал-Адаб ал-муфрад». 1. 1970йил. Тошкент. “Фан”.39-бет.

4. Оила энциклопедияси. Тузувчи. Ф.Акрамова ва бошқалар. -Т., 2019.

5. Қаххорова М. Оила маънавияти ва уни ривожлантиришнинг маърифий жihatлари. - Т., Маънавият, 2019.

6. Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик, миллий, диний ва сиёсий бағрикенгликни янада ривожлантиришнинг ижтимоий, фалсафий масалалари <http://tsue.uz/>

7. Arifov, S. O. (2020). SOCIO-PSYCHOLOGICAL ROLE AND SIGNIFICANCE OF THE FAMILY IN PREPARING CHILDREN. In *Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества* (pp. 311-313).

8. Karimova, M. O., & Saidullaeva, A. R. (2020). PEDAGOGICAL BASIS OF THE USE OF UNIVERSAL AND NATIONAL VALUES IN THE SPIRITUAL AND MORAL EDUCATION OF CHILDREN IN THE FAMILY. *PalArch's Journal of Archaeology of Egypt/Egyptology*, 17(7), 8547-8555.

9. Khaitboevich, B. B. (2020). Some features of protection of students from the threat of harmful information in the educational process. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8(10), 69-72.

10. Makhmutovna, T. K., & Ibragimovna, T. I. (2020). Specific features of the pedagogical process focused on increasing the social activity of youth. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 9(6), 165-171.

11. Muhammadjonovna, U. N., Makhmutovna, T. H., & Kurbonovich, M. U. (2020). IMPROVING THE MECHANISM OF INCREASING THE SOCIAL ACTIVITY OF YOUNG PEOPLE IN THE DEVELOPMENT OF A DEMOCRATIC AND LEGAL SOCIETY. *JCR*, 7(12), 3133-3139.

12. Siddikov, B. S. "THE IMPORTANCE OF SPORTS AND RECREATION ACTIVITIES FOR A HARMONIOUSLY DEVELOPED GENERATION." *Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества*. 2020.

13. Джалалов, Б. Б. (2016). Место и роль воздействия воспитания в повышении общественной активности учащихся. *Ученый XXI века*, (5-1), 38-41.
14. Джалалов, Б. Б., Хатамов, Х. А., & Насайдинова, Ф. У. (2016). Преимущества коллективного обучения. *Ученый XXI века*, 40.
15. Ибрагимова, Ш. О. (2019). РОЛЬ СЕМЬИ В ФОРМИРОВАНИИ ЦЕННОСТНЫХ ПРЕДСТАВЛЕНИЙ У МОЛОДЕЖИ О БРАКЕ И СЕМЬЕ. In *EUROPEAN RESEARCH: INNOVATION IN SCIENCE, EDUCATION AND TECHNOLOGY* (pp. 84-86).
16. Максудов, У. К. (2019). Развитие навыков социальной активности у учащихся начальных классов посредством фольклора-социально-педагогическая необходимость. *Проблемы педагогики*, (6 (45)).
17. Сиддиков, Б. С. (2019). Физическое воспитание как фактор развития личности. *International scientific review*, (LXIV).